

## ИРИК СОЛИҚ ТЎЛОВЧИЛАР ФАОЛИЯТИНИ СОЛИҚҚА ТОРТИШ МУАММОЛАРИ

Худойқулов Садирдин Каримович –  
ТДИУ, и.ф.д., доцент.

**Аннотация.** Дунё давлатлари тажрибаси шуни кўрсатадики, солиқ тўловчиларни маълум турларга ажратиш, уларга нисбатан солиқ сиёсатини ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш устувор йўналишлардан бири бўлиб қолмоқда. Чунки, бу каби солиқ тўловчилар жуда катта фискал аҳамиятга эга бўлиши билан бир қаторда уларнинг фаолияти алоҳида тартиблаш ва зарур ҳолларда рағбатлантириш қулай ҳисобланади. Мазкур мақолада йирик солиқ тўловчиларга оид Ўзбекистон солиқ сиёсатининг устувор йўналишлари таҳлил қилинади.

**Аннотация.** Налоговая политика играет очень важную роль в экономической политике любой страны. Опыт стран мира показывает, что разработка и реализация налоговой политики путем деления налогоплательщиков на определенные виды остается одним из приоритетных направлений. Поскольку такие налогоплательщики имеют очень большую фискальную стоимость, их деятельность удобно классифицировать отдельно и в необходимых случаях поощрять. В данной статье анализируются приоритеты налоговой политики Узбекистана для крупных налогоплательщиков.

**Annotation.** The experience of the countries of the world shows that the development and implementation of tax policy by dividing taxpayers into certain types remains one of the priority areas. Since such taxpayers have a very high fiscal value, it is convenient to classify their activities separately and, if necessary, encourage them. This article analyzes the priorities of Uzbekistan's tax policy for large taxpayers.

**Таянч сўзлар:** Солиқ, солиқ тўловчи, гуруҳлаш, мезон, солиқ муносабатлари, солиқ сиёсати, солиқ сиёсати стратегияси, солиқ сиёсати тактикаси, солиқ ставкаси, тартиблаш, рағбатлантириш, солиқ имтиёзлари.

**Ключевые слова:** Налог, налогоплательщик, группировка налогоплательщиков, критерии, налоговые отношения, налоговая политика, стратегия налоговой политики, тактика налоговой политики, налоговая ставка, классификация, налоговые льготы.

**Key words:** Tax, taxpayer, grouping of taxpayers, criteria, tax relations, tax policy, tax policy strategy, tax policy tactics, tax rate, classification, tax benefits.

### Киритиш (Introduction)

Ортодоксал назарияларга кўра, давлат миллий иқтисодиётни тартиблашда ишлаб чиқариш корхоналарини маълум бир мезонларга кўра гуруҳлаш ўз аҳамиятига эга. Айнан бундай ёндошув давлатнинг солиқ сиёсатида ҳам қўлланиладики, бундан асосий мақсад солиқ тўловчи корхоналарни қулай солиққа тортиш ва уларнинг фаолиятини молиявий тартиблашни амалга ошириш ҳисобланади. Дунё давлатлари тажрибаси шуни кўрсатадики, солиқ тўловчиларни маълум турларга ажратиш, уларга нисбатан солиқ сиёсатини ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш устувор йўналишлардан бири бўлиб қолмоқда. Чунки, бу каби солиқ тўловчилар жуда катта фискал аҳамиятга эга бўлиши билан бир қаторда уларнинг фаолияти алоҳида

тартиблаш ва зарур ҳолларда рағбатлантириш қулай ҳисобланади.

Давлат ўз солиқ сиёсатини ишлаб чиқиш ва уни амалга оширишда ишлаб чиқариш ҳажми, пул айланмаси юқори бўлган корхоналарга нисбатан алоҳида ёндошув асосида ҳам давлат бюджети манфаати ҳам солиқ тўловчилар фаолиятини рағбатланиш ва тартиблашга эришиш жараёнлари мураккаб жараён ҳисобланади. Ўзбекистон солиқ тизимида бу каби корхоналарга нисбатан алоҳида солиқ сиёсатининг юритилишига кўп бўлмаган бўлсада, бу борада маълум тажрибаларга эришилди, бироқ, йирик солиқ тўловчиларни солиққа тортиш амалиётида маълум бир муаммолар ҳам йўқ эмас. Шу жиҳатдан олганда йирик солиқ тўловчиларни солиққа тортиш йўналишларини илмий-

назарий жиҳатдан тадқиқ қилиб долзарб масалалардан саналади.

### ***Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили (Literature review)***

**Йирик солиқ тўловчилар тоифасига кировчи солиқ тўловчилар фаолиятини солиққа тортиш муносабатларини илмий-назарий жиҳатдан тадқиқ қилиш кўпгина олимлар, жумладан,** К. Макконнел, Г. Мэнкью, G. Buehler, A. Laffer, R. Musgrave, F. Ramsey, Н. Тургенев, В. Твердохлебов, А. Вознесенский, В. Глухов, Л. Гончаренко, Е. Евстигеев, А. Исаев, М. Кулишер, В. Пансков, А. Погорлецкий, А. Соколов, С. Сутирин, Д. Тихонов, Д. Черник, Т. Юткина, С. Брусницын А. Каратаев, А. Федоров, Т. Камалнев ларнинг илмий асарларида тадқиқ этилган. Маҳаллий олимларимиздан, Ш. Тошматов, О.Абдурахманов, Б.Тошмуродова, Н. Хайдаров, А.Хайрутдинов, И. Ниязметов, Қ. Яхёев, Н.Қўзиева, Ш.Жумаев каби олимларнинг илмий ишларида солиқ йирик солиқ тўловчиларни солиққа тортишнинг ўзига хос хусусиятлари ва уни янада такомиллаштиришнинг назарий ва илмий-услубий жиҳатлари ўз аксини топган. Хусусан, С. Брусницын йирик солиқ тўловчилар фаолиятини қўшилган қиймат солиғини ундиришда солиқ назоратини ташкил этиш масалаларини тадқиқ қилган бўлса, А. Каратаев йирик солиқ тўловчилар доирасида бюджетга келиб тушадиган солиқларни режалаштиришда уларнинг солиқ тўлаша салоҳиятини аниқлаш усулларини ишлаб чиққан, А. Федоров эс йирик солиқ тўловчиларнинг инвестицион фаоллигини солиқлар воситасида рағбатлантириш механизмларини тадқиқ қилган бўлса, Т. Камалнев йирик солиқ тўловчиларга нисбатан солиқ маъмурчилигини амалга ошириш муносабатларини илмий-назарий жиҳатдан ўрганган.

Ватанимиз олимларидан Н. Қўзиева йирик солиқ тўловчилар тоифасига кировчи солиқ тўловчилар фаолиятини рағбатлантиришнинг молия-кредит механизмларини тадқиқ этган бўлса, И. Ниязметов эса, йирик солиқ тўловчилар нисбатан давлатнинг солиқ сие-сатидан махсус солиқ режимларини қўллаш хусусиятларини таҳлил қилган, тадқиқотчи Ш.Жумаев эса республикамиз солиқ тизимида йирик солиқ тўловчиларга нисбатан солиқ

маъмурчилигини амалга ошириш иқтисодий-ҳуқуқий асосларини тадқиқ қилган.

### ***Тадқиқот методологияси (Research Methodology)***

**Йирик солиқ тўловчилар фаолиятини солиққа тортиш билан боғлиқ илмий-тадқиқот ишларини амалга оширишда** илмий тадқиқот методологияси доирасида кўп қўлланилиб келинадиган тадқиқот усулларидан кенг фойдаланилди. Жумладан, диалектик, абстракция, синтез ва таҳлил, гуруҳлаш, қиёсий таҳлил, мантикий ёндошув ва шу кабилар.

### ***Таҳлил ва натижалар (Analysis and results)***

**Ўзбекистон солиқ тизимида 2017 йил июль ойидан бошлаб солиқ сие-сатини тубдан ислоҳ қилишда йиллик товар айланмаси жуда катта бўлган ҳамда мамлакат миллий иқтисодиётида муҳим ўрин тутган, ўз навбатида давлат бюджетига солиқ тўловларини тўлашда юқори фискал хусусиятга эга тоифасидаги корхона, ташкилотларга оид алоҳида солиқ маъмурчилигини амалга ошириш масаласи устувор йўналишлардан бири сифатида белгилаб олинди.**

**Йирик солиқ тўловчилар фаолиятини солиққа тортиш жараёнининг ҳуқуқий асосларига қарайдиган бўлсак, дастлаб** Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПҚ-3802-сонли 2018 йил 26 июндаги “Давлат солиқ хизмати органлари фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорида Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси тузилмасида йирик солиқ тўловчиларга хизмат кўрсатиш, жумладан солиқ ҳисоботларини қабул қилиш, камерал назорат ўтказиш, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни ундириш мажбурияти юклатилган Йирик солиқ тўловчилар бўйича ҳудудлараро давлат солиқ инспекцияси ташкил қилиш масаласи белгиланди ва ушбу тузилма ташкил этилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 17 апрелдаги “Давлат солиқ хизмати органлари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғри-

сида”ги 320-сонли қарори билан йирик солиқ тўловчилар бўйича ҳудудлараро давлат солиқ инспекцияси тўғрисидаги низом тасдиқланди. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг 2019-45-сонли қарори асосида “Юридик шахсларни йирик солиқ тўловчилар тоифасига киритишнинг мезонларини белгилаш тўғрисидаги НИЗОМ” тасдиқланди.

Ушбу Низомга кўра, акциз солиғига тортиладиган товарларни ишлаб чиқарувчи ва акциз тўланадиган хизмат кўрсатувчи корхоналар, тижорат банклари, товар-хом ашё, фонд ва валюта биржалари, «Навой КМК» ДК, «Олмалик КМК» АЖ ҳамда уларнинг таркибига кирувчи ташкилотлар, маҳсулот тақсимотида оид битим бўйича ишларни бажаришда иштирок этаётган ташкилотлар, маҳсулот (товар, иш ва хизмат) ларни сотишдан олинган соф тушуми ўтган календарь йил якуни бўйича 100,0 миллиард сўмдан юқори бўлган ёки кетма-кет келадиган ўн икки

ойлик давр якуни бўйича ушбу миқдордан ошган юридик шахслар, углеводород ҳом ашёси ва минерал ресурсларни қазиб олувчи, қайта ишловчи, етказиб берувчи ва сотувчи ҳамда электр энергиясини ишлаб чиқарувчи ва етказиб берувчи юридик шахслар, (бундан автомобилларга ёқилғи қуйиш шахобчалари мустасно), Ўзбекистон Республикасининг ҳаво бўшлиғидан йўловчиларни ташиш мақсадларида фойдаланувчи, халқаро ҳаво алоқаларини амалга оширувчи ва уларнинг таркибига кирувчи юридик шахслар йирик солиқ тўловчи сифатида белгиланди ва уларга солиққа тортишнинг алоҳида солиқ режимлари қўлланила бошланди.

Бу каби солиқ тўловчиларнинг айрим-ларининг молиявий-иқтисодий фаолиятини таҳлил қиладиган бўлсак, уларнинг давлат бюджетигадаги фискал хусусияти қанчалик аҳамиятли эканлигини кўриш мумкин.

1-жадвал.

“СОСА-COLA ICHIMLIGI UZBEKISTAN LTD” МСНН нинг 2017-2021 йиллар кесимида молиявий ҳолати таҳлили<sup>1</sup>

№	Кўрсаткичлар	Йиллар				
		2017	2018	2019	2020	2021
<b>1</b>	<b>Жами даромадлар</b>	<b>725,4</b>	<b>1 024,3</b>	<b>1 474,7</b>	<b>1 733,3</b>	<b>2 548,2</b>
	Маҳсулотларни сотишдан соф тушум	702,9	999,4	1 456,3	1 688,0	2 350,9
	Асосий фаолиятнинг бошқа даромадлари	7,5	11,5	11,5	36,5	180,9
	Молиявий фаолиятнинг даромадлари	15,0	13,4	6,9	8,8	16,4
<b>2</b>	<b>Жами харажатлар</b>	<b>790,8</b>	<b>914,6</b>	<b>1 236,5</b>	<b>1 475,0</b>	<b>2 158,2</b>
	ишлаб чиқариш харажатлари	510,1	677,3	955,1	1 121,2	1 706,1
	давр харажатлари	156,0	224,2	271,8	342,7	432,4
	молиявий фаолият бўйича харажатлар	124,7	13,1	9,6	11,1	19,7
<b>3</b>	<b>Соф фойда (зарар)</b>	<b>-65,4</b>	<b>92,6</b>	<b>209,4</b>	<b>205,7</b>	<b>322,6</b>
<b>4</b>	<b>Рентабеллик</b>	<b>-9,0</b>	<b>9,0</b>	<b>14,2</b>	<b>11,9</b>	<b>12,7</b>
<b>5</b>	<b>Иш ҳақи фонди</b>	<b>36,8</b>	<b>10,0</b>	<b>118,5</b>	<b>164,6</b>	<b>193,2</b>
	Ишчилар сони	801	219	896	1 594	1 670
<b>6</b>	<b>Бюджетга жами тўланди:</b>	<b>133,3</b>	<b>158,1</b>	<b>153,0</b>	<b>206,0</b>	<b>153,9</b>
	ҚҚС	100,8	130,8	90,5	124,7	77,8
	Фойда солиғи	7,2	16,8	41,1	48,4	40,8
	Ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

	Акциз солиғи	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0
	Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ	3,3	4,9	10,3	12,8	10,5
	Мол-мулк солиғи	6,1	-3,1	0,4	1,6	2,0
	Ер солиғи	0,5	0,5	0,6	0,7	0,9
	Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи	9,0	13,9	10,0	17,8	21,9
	Бошқа солиқлар	6,5	-5,8	0,2	0,0	0,0
<b>7</b>	<b>Фойдаланилган солиқ имтиёзлари</b>	<b>0,0</b>	<b>6,8</b>	<b>6,4</b>	<b>1,6</b>	<b>0,2</b>

1-жадвалда “COCA-COLA ICHIMLIGI UZBEKISTAN LTD” MCHJ корхонасининг 2017–2021 йиллар молиявий ҳолати таҳлил қилганимизда қуйдагилар маълум бўлди. Жамият томонидан жами даромадлар 2017 йилда 725,4 млрд.сўмни, 2018 йилда 1024,3 млрд.сўмни, 2019 йилда 1474,7 млрд.сўмни, 2020 йилда 1733,3 млрд.сўмни, 2021 йилда 2548,2 млрд.сўмга ошганлигини кўришимиз мумкин. Шўнингдек, корхонанинг жами харажатлар эса 2017 йилда 790,8 млрд.сўмни, 2018 йилда 914,6 млрд.сўмни, 2019 йилда 1236,5 млрд.сўмни, 2020 йилда 1475 млрд.сўмни, 2021

йилда 2158,2 млрд.сўмга ошганлигини кўришимиз мумкин.

Корхонанинг соф фойдаси 2017 йилда 65,4- млрд.сўм зарар билан чиққан бўлса, 2018 йилда 92,6 млрд.сўмни, 2019 йилда 209,4 млрд.сўмни, 2020 йилда 205,7 млрд.сўмни, 2021 йилда 322,6 млрд.сўмга ошган. Корхона томонидан фойдаланилган солиқ имтиёзлари таҳлил қилинганда 2018 йилда 6,8 млрд.сўм хажмида, 2019 йилда 6,4 млрд.сўм хажмида, 2020 йилда 1,6 млрд.сўмни, 2021 йилда 0,2 млрд.сўмга хажмида имтиёз олган.

2-жадвал.

**“NAVOIYAZOT” АЖ корхонасининг 2017-2021 йилларда  
бюджетга солиқ тўловлари таҳлили<sup>2</sup>**

№	Кўрсаткичлар	Йиллар				
		2017	2018	2019	2020	2021
<b>1</b>	<b>Жами даромадлар</b>	<b>711,6</b>	<b>1 079,0</b>	<b>2 587,5</b>	<b>3 219,8</b>	<b>5 355,3</b>
	Маҳсулотларни сотишдан соф тушум	650,1	1 053,7	1 464,5	2 152,1	4 577,8
	Асосий фаолиятнинг бошқа даромадлари	15,9	14,0	6,8	14,8	18,4
	Молиявий фаолиятнинг даромадлари	45,6	11,4	1 116,2	1 052,9	759,1
<b>2</b>	<b>Жами харажатлар</b>	<b>779,7</b>	<b>1 072,1</b>	<b>2 533,7</b>	<b>3 160,5</b>	<b>4 485,8</b>
	ишлаб чиқариш харажатлари	576,5	915,1	1 168,7	1 802,4	2 662,6
	давр харажатлари	119,6	145,3	203,7	219,8	725,4
	молиявий фаолият бўйича харажатлар	83,6	11,6	1 161,4	1 138,3	1 097,8
<b>3</b>	<b>Соф фойда (зарар)</b>	<b>-68,2</b>	<b>4,5</b>	<b>39,5</b>	<b>35,2</b>	<b>779,8</b>
<b>4</b>	<b>Рентабеллик</b>	<b>-9,6</b>	<b>0,4</b>	<b>1,5</b>	<b>1,1</b>	<b>14,6</b>
<b>5</b>	<b>Иш ҳақи фонди</b>	<b>116,6</b>	<b>148,2</b>	<b>204,6</b>	<b>233,2</b>	<b>324,0</b>
	Ишчилар сони	9 609	9 001	9 556	8 445	8 091

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

6	<b>Бюджетга жами тўланди:</b>	<b>57,4</b>	<b>71,6</b>	<b>92,9</b>	<b>95,1</b>	<b>518,8</b>
	ҚҚС	26,0	42,7	36,4	17,2	241,8
	Фойда солиғи	-0,1	0,7	14,2	21,9	168,9
	Ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0
	Акциз солиғи	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0
	Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ	3,4	3,4	10,3	13,5	15,5
	Мол-мулк солиғи	10,1	6,0	2,2	10,0	39,2
	Ер солиғи	5,6	5,8	8,0	7,6	20,1
	Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи	12,0	10,9	21,3	24,9	33,4
	Бошқа солиқлар	0,3	2,1	0,4	0,0	0,0
7	<b>Фойдаланилган солиқ имтиёзлари</b>	<b>0,0</b>	<b>0,0</b>	<b>0,1</b>	<b>0,0</b>	<b>136,9</b>

2-жадвалда келтирилган “NAVOIYAZOT” АЖ корхонасининг 2017–2021 йиллар молиявий ҳолати таҳлил қилганимизда қўйдагиларни кўриш мумкин: жамият томонидан жами даромадлар 2017 йилда 711,6 млрд.сўмни, 2018 йилда 1079 млрд.сўмни, 2019 йилда 2587,5 млрд.сўмни, 2020 йилда 3219,8 млрд.сўмни, 2021 йилда 5355,3 млрд.сўмга ошган. Шунингдек, корхонанинг жами харажатлар эса 2017 йилда 779,7 млрд.сўмни, 2018 йилда 1072,1 млрд.сўмни, 2019 йилда 2533,7 млрд.сўмни, 2020 йилда 3160,5 млрд.сўмни, 2021 йилда 4485,8 млрд.сўмга ошганлигини кўришимиз мумкин.

Корхонанинг соф фойдаси 2017 йилда 68,2- млрд.сўм зарар билан чиққан бўлса, 2018 йилда 4,5 млрд.сўмни, 2019 йилда 39,5 млрд.сўмни, 2020 йилда 35,2 млрд.сўмни, 2021 йилда 779,8 млрд.сўмга ошган. Корхона томонидан бюджетга жамитўланган солиқлари 2017 йилда 57,4 млрд.сўмни, 2018 йилда 71,6 млрд.сўм хажмида, 2019 йилда 92,9 млрд.сўм хажмида, 2020 йилда 95,1 млрд.сўмни, 2021 йилда 518,8 млрд.сўмга хажмида солиқ тўланган бўлиб унинг асосий қисми қўшилган қиймат солиғи улушига тўғри келади. Рентабеллик даражаси 2017 йилда 9,6- даражасини ташкил этган бўлса 2021 йилга келиб 14,6 ташкил этган.

Бугунги кунда республикамиз солиқ тизимида йирик солиқ тўловчилар тоифасига кирувчи корхоналарни солиққа тортишда маълум бир натижаларга эришилиб, тажрибалир тўпланган бўлсада, шу билан бир-

галикда бу жараёнда айрим муаммолар мавжуд бўлиши билан биргаликда, солиққа тортиш механизмларини янада такомиллаштириш зарурати ҳам туғилганлигини қайд этиш лозим. Жумладан:

**Биринчи муаммо: Солиқ кодексининг 138-моддаси билан камерал солиқ текширувлари ўтказиш тартиби белгиланган. Шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 7 январдаги 1-сонли қарори билан тасдиқланган “Солиқ текширувларини ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисида”ги Низомда камерал солиқ текширувини ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўлиқ ёритиб берилган. Камерал солиқ текшируви яқунлари бўйича далолатнома тузилиши, уни натижаларини қўриб чиқиш (баённома, қарор) ва ШХВга киритиш тартиби солиқ кодексига мавжуд бўлмаганлиги сабабли, амалга оширилаётган жараёнларни солиқ кодекси билан уйғун амалга ошириш имконини бермаяпти.**

**Таклиф:** Камерал солиқ текширувини ўтказиш тартибига қўйидагиларни назарда тутовчи қўшимча ва ўзгартиришларни киритиш:

- текшириш муддати 30 кундан (иш кунидан) ошмаслиги;
- текшириш натижаси билан аниқланган ҳолатлар бўйича далолатнома расмийлаштирилиши;
- текшириш натижалари давлат солиқ хизмати органининг раҳбари (раҳбар ўринбосари) томонидан кўриб чиқилиши ва кўриб

чиқиш якуни бўйича қарор қабул қилиниши;

– камерал солиқ текшируви якуни билан тузиладиган далолатнома ҳамда уни кўриб чиқиш учун солиқ тўловчига хабарнома юборилиши ва солиқ тўловчи келмаганда мазкур ҳужжатлар унинг иштирокисиз тузилиши.

Чунки, солиқ кодекси ва **Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 7 январдаги 1-сонли қарори** билан белгиланган камерал солиқ текшируви ўтказиш тартиби **9 та** босқичдан иборат ва солиқ тўловчи ва солиқ органларига мураккаблик қилмоқда. Солиқ кодекси ва камерал солиқ текшируви ўтказиш тартиби белгиловчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ўзаро мослигини таъминлаш, камерал солиқ текшируви ўтказиш жараёнини соддалаштириш ва уларнинг самарадорлигини ошириш лозим.

Иккинчи муаммо: Йирик солиқ тўловчилар тоифасига киритилган юридик шахслар календарь йил якуни билан мазкур Низомнинг -4бандида кўрсатилган мезонларга жавоб бермаса, ушбу хўжалик юритувчи субъектлар навбатдаги уч йил мобайнида йирик солиқ тўловчилар тоифасида қолади, бу эса, йирик солиқ тўловчилар тоифасига кирувчи солиқ тўловчилар фаолиятини солиқлар воситасида рағбатлантириш механизмларини қўллаш имкониятини бермайди.

**Тақлиф:** Йирик солиқ тўловчилар тоифасига киритилган юридик шахслар календарь йил якуни билан мазкур Низомнинг -4бандида кўрсатилган мезонларга жавоб бермаса, ушбу хўжалик юритувчи субъектлар навбатдаги бир йил мобайнида йирик солиқ тўловчилар тоифасида қолдириш мақсадга мувофиқдир.

**Хулоса ва тақлифлар (Conclusion/Recommendations)**

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, янги Ўзбекистон шароитида Республикамизда амалга оширилаётган солиқ ислохотлари ўзининг сезиларли натижаларини бера бошлади. Йирик солиқ тўловчилар тоифасидаги солиқ тўловчиларга нисбатан алоҳида солиқ режими ва солиқ маъмурчилигининг қўлланилиши, давлат бюджети даромадлари нуқтаи назаридан унчалик муҳим бўлмаган кичик солиқ тўловчиларга солиқ имтиёзларининг берилиши оқибатида солиққа тортишнинг адолатлилик тамойили ошиб бормоқда.

Шу билан биргаликда йирик солиқ тўловчилар фаолиятини солиққа тортиш нуқтаи назаридан турли хил сегментлаш усулларини қўллаш асосида солиқ хавфини камайтирига эришилаётганлиги ҳам бу борадаги ижобий натижалар сифатида баҳолаш мумкин.

Фойданилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги 29.12.2021 йилдаги ЎРҚ-741-сон қонуни
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 30.12.2021 йилдаги ПҚ-73-сонли Ўзбекистон Республикасининг “2022 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ги қонуни ижросини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисидаги” қарори
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПҚ-3802-сонли 2018 йил 26 июндаги “Давлат солиқ хизмати органлари фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПҚ-3802-сонли 2018 йил 26 июндаги “Давлат солиқ хизмати органлари фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 18 июлдаги “Солиқ маъмуриятчилигини тубдан такомиллаштириш, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг йиғилувчанлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5116-сон фармони
6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 17 апрелдаги “Давлат солиқ хизмати органлари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 320-сонли қарори
7. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. – Тошкент : Ўзбекистон, 56 – .2016 б.

8. Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш-юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. Тошкент: “Ўзбекистон”, 48 – .2017 б

9. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажакимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қураимиз. – Тошкент: “Ўзбекистон”, 488 – .2017 б.

10. Каратаев Алексей Сергеевич. Концепция налогового потенциала крупнейших налогоплательщиков и методология его оценки. Автореферат диссертации на соискание ученой степени доктор экономических наук. Йошкар-Ола2011-.

11. Федоров Андрей Николаевич. Налоговое администрирование и стимулирование инвестиционной активности крупнейших налогоплательщиков. Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидат экономических наук. Нижний Новгород 2010.

12. **Камалнев Тимур Шамильевич. Налоговое администрирование крупнейших налогоплательщиков. Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидат экономических наук. Москва 2009.**

13. Брусницын Сергей Валентинович. **Совершенствование механизма налогового контроля по НДС: становление и тенденции развития в системе налогового администрирования крупнейших налогоплательщиков.** Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидат экономических наук. Москва 2012. с.7-11.

14. Ш.Жумаев. Йирик солиқ тўловчилар бўйича ҳудудлараро давлат солиқ инспекциясининг ташкилий-ҳуқуқий асослари. ©**Иқтисодиётда инновацион ривожланиш, 2021.** 5-сон.

15. Макконнелл К.Р., Брю С.Л. Экономика: принципы, проблемы и политика. Пер. -16го англ. изд. – М.: ИНФРА-М, 940 – .2006 с.; Менкью Н.Г. Принципы экономике.– СПб: Олреер Ком, 1 9 9 9 – 784 с.; G.Buehlsr «Taxation and the rainimn o f subsistence» Source; The American Economic Review, Vol. 23, No. 2 (Jim., 1933), pp. 234-244. Stable URL; [16. Гадов Э. ва бошқ. Солиққа оид хатолар. – Т.: «Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси» нашриёт уйи, 128- .1996 б.; Гадов Э., Қўзиева Н. Жисмоний шахсларни солиққа тортиш. –Т.: Ўзбекистон, 281 – .2013 б.](http://www.jstor.org/stable/253; A1exшк] er Odishelidze and Arthiir Laffer. Pay to the Ortfer o f Puerto Rico. Allegiance Press,USi^ 2004.– 455 p.; Musgrave R.M. The Theory o f Public Finance. – NY; McGrawHill, 1959. P. 94.; Rarasey F.A. Contribution to the Theory o f Taxation // Economic Journal. 1927. No. 37. P. 47-61; Исаев А. Очерк теории и политики налогов.-М.: ООО «ЮрИнфоР-Пресс», 2003.-270 с.; Кулишер М. Очерки финансовой науф ки. Петроград; Книгоиздательство «Наука и школа», 290-.1919 с.; Пансков В., Князев В. Налоги и налогообложение: Учебник для вузов. – М.: МЦФЭР, 336 – .2003 с.; Соколов А. Теория налогов.-М.: ООО «ЮрИнфоР-Пресс», 506-.2003 с.; Лерник Д. Введише в экономико-магематические модели налогообложения. – М. Финансы и статистика, 256 –.2000 с.; Каратаев Алексей Сергеевич. Концепция налогового потенциала крупнейших налогоплательщиков и методология его оценки. Автореферат диссертации на соискание ученой степени доктор экономических наук. Йошкар-Ола2011-.; Федоров Андрей Николаевич. Налоговое администрирование и стимулирование инвестиционной активности крупнейших налогоплательщиков. Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидат экономических наук. Нижний Новгород 2010.; <b>Камалнев Тимур Шамильевич. Налоговое администрирование крупнейших налогоплательщиков. Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидат экономических наук. Москва 2009.</b>; Брусницын Сергей Валентинович. <b>Совершенствование механизма налогового контроля по НДС: становление и тенденции развития в системе налогового администрирования крупнейших налогоплательщиков.</b> Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидат экономических наук. Москва 2012. с.7-11.</p></div><div data-bbox=)

17. Гатаулин Ш. Солиқлар ва солиққа тортиш. – Т.: ДСҚ, 241 – .1996 б.; Завалишина И. Солиқлар: назария ва амалиёт. – Т.: “Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси”, 544 – .2005 б.

18. Ваҳобов А., Жўраев А. Солиқлар ва солиққа тортиш. – Т.: Шарқ, 448 – .2019 б.

19. Исламқулов А.К.бюджетлараро мутаносибликни таъминлашда солиқлар тизимини такомиллаштириш.И.ф.д (DSc) илмий даражасини олиш учун тайёрланган дисс. Автореферати

2019 йил б. 16. Ваҳобов А., Маликов Т. Молия. – Т.: «НОШИР», 712 – .2012 б.

20. Маликов Т. Солиқлар ва солиққа тортишнинг долзарб масалалари. – Т.: Академия, .2002 204 – б.

21. Маликов Т., Олимжонов О. Молиявий менежмент. – Т.: Академия, 254 – .1999 б.

22. Собиров Х.Р., Фаттахов А.А., Иминов О.Н. «Налогообложение малого и среднего бизнеса в Республике Узбекистан» – Т., Молия, 114- .2000 с.

23. Тошматов Ш. Корхоналарни ривожлантиришда солиқлар роли: Монография. – Т.: Фан ва технология, 204 – .2008 б.

24. Тошмурадова Б. Солиқлар воситасида иқтисодийтни бошқариш механизми. – Т.: Янги аср авлоди, 128 – .2002 б.

25. Хайриддинов А.Б. Маҳаллий бюджетлар даромад базаларининг барқарорлигини таъминлаш йўллари. И.ф.н. илмий даражасини олиш учун тайёрланган дисс. автореферати. –Т.: 2011 йил б. 13., Хайдаров Н. Молия. -1қисм. – Т.: Академия, 185 – .2001 б.; Ниязметов И. “Солиққа тортиш механизмларини такомиллаштириш орқали солиқ тизими барқарорлигини таъминлаш” мавзусидаги докторлик диссертацияси Автореферати. Т.: БМА, 2019 йил; Абдурахманов О. Жисмоний шахслардан олинган солиқлар тизими ва уни такомиллаштириш масалалари. и.ф.д. илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. – Т.: ДЖҚА, 40 – .2005 б.; Яхёев Қ. Солиққа тортиш назарияси ва амалиёти. – Т.: Фан ва технологиялар, 247 – .2003 б.; Қўзиёева Н. Хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар молия ва кредит механизмини такомиллаштириш йўналишлари. –Т.: “IQTISOD-MOLIYA”, – 296.; Ш.Жумаев. Йирик солиқ тўловчилар бўйича ҳудудлараро давлат солиқ инспекциясининг ташкилий-ҳуқуқий асослари. ©Иқтисодийда инновацион ривожланиш, 2021. 5-сон.

26. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф тоғ монидан тузилган.

27. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф тоғ монидан тузилган.

## ЎЗБЕКИСТОНДА ИСЛОМ МОЛИЯСИНING РИВОЖЛАНИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

Зиё Шерзод Азамат ўғли –  
ТДИУ таянч докторанти

**Аннотация.** Мазкур илмий мақолада Ўзбекистонда ислом молиясини ривожлантириш истиқболларига тўхталиб ўтилган, шунингдек, Ўзбекистонда ислом молияси тамоиллари асосида фаолият олиб бораётган молия муассасалари фаолияти ҳамда уларнинг самарадорлик кўрсаткичлари таҳлил қилиб ўтилган. Бундан ташқари, Ўзбекистонда ислом молияси ривожлантириш билан боғлиқ муаммолар санаб ўтилган.

**Калит сўзлар:** исломий банк маҳсулотлари, мубораҳа, мудораба, мушорака, истисно, қард хасан, ижара, салам, ғорар, майсир

**Аннотация.** В данной научной государстве рассматривается специфика исламских банковских продуктов и услуг, а также их преимущества и принципы работы исламских банковских продуктов. Также, проанализированы возможности зарубежных исламских банковских продуктов в Узбекистане.

**Ключевые слова:** Исламские банковские продукты, мубораха, мудораба, мушорака, истисна, кард хасан, ижар

**Annotation.** In this scientific state, the specifics of Islamic banking products and services are considered, as well as their advantages and the principles of operation of Islamic banking products. Also, the possibilities of foreign Islamic banking products in Uzbekistan are analyzed.

**Keywords:** *Islamic banking products, muborah, mudoraba, mushoraka, istisna, qard hasan, izhar*